

№28 ШАРТНОМА

«6» декабрь 2022 й.

Ушбу шартнома келгусида «Сотувчи» деб аталувчи юридик шахс «**SHOKI-TECHNOLOGY-GROUP**» МЧЖ нинг раҳбари Холмуродов М.Ю бир томондан, устав асосида иш юритувчи, «Сотиб олувчи» деб аталувчи **Андижон вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ** номидан Ш,Ж,Усмонов номидан, устав асосида иш юритувчи иккинчи томондан, биргаликда томонлар деб юритилувчилар қуйдагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Сотувчи” ўзига тегишли маҳсулотни “Сотиб олувчи”га чакана сотиш ва мулк қилиб топшириш, “Сотиб олувчи” эса ушбу маҳсулотни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Шартнома предмети қуйидаги маҳсулот ҳисобланади:

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир кг нархи	Умумий нархи
1	Ощущение не пристёгнутый ремень безопасности на прицепе	дона	1	345 000 000	345 000 000
	Вращение автомобиля вокруг своей оси на прицепе	дона	1	745 000 000	745 000 000
Жами:					1 090 000 000

1.3. Шартноманинг умумий қиймати **1 090 000 000** (Бир миллиард тўқсон миллион) сўмни (**ҚҚС билан**) ташкил этади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Сотиб олувчи» томонидан «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига шартнома умумий қийматининг 15% олдидан тулов тариқасида, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, шартнома нархи бўйича мустақил консалтинг компаниясининг ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирда 5 (беш) банк куни ичида етказиб беради. шартнома қийматининг қолган 85 % миқдоридagi тўловлар «Сотувчи» томонидан маҳсулот тўлиқ йетказиб берилгандан сўнг 20 (йигирма) банк куни ичида амалга оширилади.

2.2. Сотувчи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Сотиб олувчи томонидан текшириб олинганлиги Сотувчи расмийлаштирган ҳисобварақ-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. “Сотувчининг” мажбуриятлари:

3.1.1. “Сотиб олувчи” томонидан тўлов амалга оширилганидан сўнг 5 иш кунида маҳсулотни ва унга оид ҳужжатларни «Сотиб олувчи»га топшириш;

3.1.2. Маҳсулотни шартнома шартларига жавоб берадиган миқдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йўқ бўлиши мумкинлигини истисно қиладиган даражадаги идишда, ўрамда ва белгиланган тартибда жойлаштирилган ҳолда топшириш;

3.1.3. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 5 иш куни ичида сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни сифатлисига алмаштириш;

3.2. “Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

3.2.1 Маҳсулот учун мазкур шартномада белгиланган тўловни белгиланган муддатларда амалга ошириш;

3.2.2. Маҳсулотни __ иш куни муддатида кўздан кечириш. Маҳсулотнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, шу муддатда “Сотувчи”га аниқланган номувофикликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юбориш;

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Шартнома бўйича “Сотувчи” зиммасига олган мажбуриятларни

ўз вақтида ва лозим даражада бажармаган тақдирда “Сотувчи” “Сотиб олувчи”га бажарилмаган мажбурият қийматининг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, бунда ҳисобланган пенянинг умумий миқдори йетказиб берилмаган маҳсулот (иш хизмат)нинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

4.2. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов ўз вақтида тўланмаган тақдирда, “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди, бунда ҳисобланган пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тоъловнинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

4.3. Етказиб берилган маҳсулот мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаган ҳолда, “Сотиб олувчи” маҳсулотни қабул қилиш ва тўловини амалга оширишдан бош тортишга, маҳсулот тўлови амалга оширилган бўлса сифатли маҳсулотга алмаштирилиши ёки тўланган суммасини қайтарилишини талаб қилишга, “Сотувчи”дан талаб даражасида бўлмаган маҳсулот нархининг 20 % ҳажмида жарима солишга ҳақлидир.

4.4. Мажбуриятлар талаб даражасида бажарилмаганлиги сабабли жарима ва пенянинг тўланиши томонларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришидан озод қилмайди.

4.5. “Сотувчи” Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулотнинг қонуний олиб кирилишини назорат қилувчи қонунчилик талабларига риоя қилиниши учун жавобгардир.

4.6. Шартномага асосан маҳсулот йетказиб берилмаган тақдирда “Сотиб олувчи” шартнома қийматининг 50 фоизи миқдорда неустойка ундириш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ега бўлади.

5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низоли хал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган ҳудуддаги Фуқаролик судига мурожаат қилишга ҳақли.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

7.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

7.2. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга “қарши курашишга” оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

7.3. Ушбу шартнома томонларининг ҳар бири бошқа томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда курсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

бошқа контрагентлар билан таккослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш; ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш; амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш; ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга оширилаётган, аммо томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир булмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

7.5. Ёзма хабарномада томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

7.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, томонлар коррупциявий фаолиятга томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

7.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

7.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга

оширилишини ва амалий кийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

7.9. Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга “қарши курашиш” шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

8. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

8.2. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ҳамда 31.12.2022га қадар амал қилади.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»

МЧЖ «SHOKI-TECHNOLOGY-GROUP»

Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Саадий кучаси-6 уй.

Тел: +99893 383 86 00

ИНН: 307031637

ОКЭД: 28300

Х/раками: 20208000105163981001.

АТБ “НАМКОРБАНК” Андижон ш. МФО:
00083.

Директор: М.Ю.Холмуродов



«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Андижон вилояти ИИБ №ХХ ИХХБ
Андижон ш. А.Темур куча 4-уй
У.Р 401010860034917031101179005
Ав. в. Сўйуро Фойдаланиш башқармиси
№ 00:00016 СҲИР: 201122919



Ш.Ж.Усмонов
Ф.И.

ANDIJON VILOYATI IIB
TASHKILY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH GURUHI.
SHARTNOMA EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
08 «12» 2022 yil № 271
Б.Собиров